



СЕРВИС

№1

*ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ*

2022



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

доцент **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Корректор:

Ф.А.Сафаров

Муҳаррир:

Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Ўразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Б.У.Нуруллаев – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Яшил иқтисодиётга ўтишда худудларда ўсиш марказлари ва ўсиш қутблари ривожланиши	5
Музаффар Юсупович Мавлянов Мамлакат иқтисодиётида яширин иқтисодиётни ўрни, роли ва унинг назарий масалалари	9
Т.К.Mardiev, F.X.Zatullayeva Verbalization of the concept of friendship in english and uzbek literatures	12
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Kamoliddin Bahridnovich Ablaqulov Qo‘shimcha mahsulotning yangi mazmuni	17
Jamshid Shamsiyev Onlayn rekrutment agentliklari va ularning korxonada faoliyatidagi ahamiyati	22
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Р.Х.Эргашев Мева-сабзавотчилик кластер-кооперациясида чет эл тажрибаларидан самарали фойдаланиш	27
Гулмира Иззатуллаевна Норқувватова Навоий вилоятида енгил саноатни ривожлантиришнинг кластер хусусиятлари	34
Машраб Улуғбекович Ачилов Мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш имкониятлари	40
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Ш.Х.Саттаров Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлили	45
Н. М. Усманова Китоб савдоси хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги	50
Абдулазиз Абдуллаевич Гуламов, Хуршидахон Алишеровна Егамбердиева Темир йўлларни либерализациялашнинг темир йўл транспортининг эксплуатацион фаолияти самарадорлигини оширишдаги роли	55
Н.Т. Саттарова Сервис корхоналари самарадорлигини баҳолашнинг айрим масалалари	60
Ф.А.Ишонкулова Автомобиль транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг айрим масалалари	65
Абдулазиз Абдумўминович Матрузиев Иссиқлик таъминоти соҳасида барқарор инновацион ривожланишнинг назарий ва услубий жиҳатлари	69
Б.М.Қулиев Маиший хизмат кўрсатишни моҳияти ва самарадорлигини баҳолашнинг назарий муаммолари	74

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуғаниевич Эштаев, Жаҳонгир Маткаримов Ўзбекистон Республикасида ички туризмни ривожлантириш истиқболлари	81
Олим Таштемирович Астанакулов Туристтик корхоналар фаолият самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўналишлари	85
С.Ш. Халилов Миллий туризм тармоғида МІСЕ туризми ривожланишини такомиллаштириш	91
А.А. Абдувалиев Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасида геоахборот тизими тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти	96
А.А. Аблаилов Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	100
З.Б. Наврўз-зода “Етти пир зиёрати” кластерининг ташкилий механизми	105
А.М. Амиров Агротуризмни ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш методологияси	110
Ш.Я. Абдусаидова Современные тенденции развития рынка гостиничных услуг в Узбекистане	114
М.М. Нарзиев Туризм кластерларини шакллантиришнинг иқтисодий механизмлари	120
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
К.И. Курпаяниди Некоторые вопросы регулирования развития малого предпринимательства в регионе	125
С.С. Алиева Финансы домохозяйства: особенности и значение	128
Д.Р. Махмудова Тадбиркорлик ва бизнесни илмий англаш (2-мақола)	134
Нилуфар Нозимжоновна Эрназарова Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда оилавий тадбиркорликни ўрни ва роли	138
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Зулфия Мусаевна Усманова К вопросам использования технологии кайдзен в совершенствовании механизма управления персоналом	142
Дилафруз Анваржон кизи Қурбонова Сифат менежменти тизимида персонални бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари	146
ИНВЕСТИЦИЯ	
Хамдилла Хамдамович Имомов Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш	151
Батирбай Куанишбаевич Сайипов Теоретические основы повышения инвестиционной привлекательности регионов	154
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Ш.М. Латипова Лизинг лойиҳасининг самарадорлигини баҳолаш ва лойиҳанинг оқилона шартларини таъминловчи методикани шакллантириш	160

билан бандлигини ошириши, таъминлаши ҳисобланади. Ички экотуристтик хизматлар кўрсатиш эса меҳнат қилишнинг энг енгил турларига кириши ҳам жуда муҳимдир.

Шунинг учун ҳам, ички экотуризмнинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, Ватанимиз аҳолисининг мамлакати миздаги экотуризм объектларига сайр-саёҳатлари кучаяди. Бу тамойиллар экотуризмнинг иқтисодий тамойилларига қўшилади ва ички экотуризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида истиқболли йўналиш бўлишини исботлайди. Европа давлатларининг аҳолисидек шаҳарликларнинг қишлоқларда дам олиш тизимлари келиб чиқади, қишлоқларнинг аҳолисида экотуризм инфратузилмаларини яратиш, экотуризм хизматларини кўрсатиш тадбиркорлиги ҳосил бўлади (2-расм).



2-расм. Ички экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мамлакатимиз ҳаётидаги иқтисодий аҳамияти ва ўрни¹.

Алоҳида муҳофазадаги ҳудудларида экотуризмни ривожлантираётган хориж давлатлари яхши фойда олмоқдалар ва аста-секинлик билан ўз аҳолисига ва хорижлик экотуристларга экотуризмнинг талабларини ўргатмоқдалар. Масалан, Коста-Рикадаги биргина Монтеверди кўрикхонаси маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш ҳисобига 50 минг доллар, ички экотуризмдан ҳар йили 650 минг доллар фойда олади. Кения миллий паркларидан ҳар йили 450 минг доллар, Эквадор “Галапагос” ороллари экотуризмидан 180 минг доллар даромад қилади. Руанда экотуризмда ўз гориллаларини кўрсатиб (бир суткада ҳар бир гориллани 4 киши томоша қилиши мумкин, ундан ортиғига рухсат берилмайди) ҳар йили 1 млн., бошқа экотуризмидан 3 млн. доллар фойда олади. Замбияда биргина Луангва кўрикхонаси ички экотуризмдан 150 минг доллар даромад қилади. Кениядаги Амбосели кўрикхонаси ички экотуризмда битта шердан 27 минг доллар, битта филлар тўдасидан 61 минг доллар фойда олади. Ўз мамлакатларида ички

¹ .Муаллифнинг хулосалари (ишланмаси)

экотуризмни ривожлантириб яхши фойда олаётган Африка, Лотин Америкаси давлатларининг тараққиёт даражаларига қараб уларнинг ички экотуризмни яхши йўлга қўйганлигини эътиборга олишимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномасидаги-“Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, маданий-тарихий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли худудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризмни, зиёрат туризмни ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради” [2] -деган қайдлари ҳам Ўзбекистонда экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий меъёрлари яратилганлигини ва давлатимизнинг сиёсатига киритилганлигини билдиради.

Шунинг учун ҳам, жуда катта экотуризм ресурслари ва салоҳиятлари мавжуд бўлган ватанимизда миллий экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини, илмий-амалий методларини, истиқболли йўналишларини тадқиқ қилишимиз, шу йўналишларда амалиёт учун тавсиялар ишлаб чиқишимиз лозим. Мавзуда қўйилган мақсад ва вазифаларни асослашдан қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

1.Биз ҳозирдан ички экотуризмда лидер давлатларнинг тажрибаларини, технологияларини, ички экотуризмни ташкил қилишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини, усулларини, ички экотуризмда бошқариш ва иш юритишни мукамал ўрганишимиз керак.

1.Аҳолининг ички экотуризмни ривожлантиришда энг муҳим омил туристик ресурслар, туристик хизматлар ва маҳсулотлар, туристик инфратузилмалар ҳақида ахборотланганлик даражаларини оширувчи қўлланмалар яратиш керак.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосан қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Ички экотуризмда экологик объектлардан, ресурслардан олинадиган даромадлар тақсимоотида маҳаллий аҳолининг улушларини (экотуристнинг кириш ва табиат бетакрорлигидан фойдалангандаги тўловлари) ҳуқуқий-меъёрларини яратиш.

2.Экотуризм хизматлари ва экотуризм инфратузилмаларнинг нархи аҳолининг барча қатламларига мос бўлишининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори: «Ички туризмни жадал ривож лантириш чора-тадбирлари тўғрисида».. Тошкент ш.,2018 йил 7 февраль, ПҚ-3514-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2018 й).
- 3.Аблаизов А.А. Аҳоли турмуш даражасини яхшилашда экотуризмнинг ўрни. “Инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. СамИСИ, 19 апрел 2019. -68-71 б.
- 4.Аблаизов А.А. Экологик туризмда барқарор ривожланиш омиллари.“Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида туризмнинг аҳамияти” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси.Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 10 май 2019.- 71-74 б.
- 5.Аблаизов А.А. Экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришни бошқариш тизимини яратишнинг назарий асослари.“СЕРВИС” Ж. № 4, Самарқанд, СамИСИ, 2019.
- 6.Аблаизов А.А. Assessment of The Socio Economic Potential of-Ecotourism Development And Investment Attraction. International Journal of Academic Accounting, Finance Management Research (IAAFMR) (AQSH), 04.04.2020.-41-43 б.
- 7.Аблаизов А.А. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари. “СЕРВИС” Ж.№ 2, Самарқанд, СамИСИ, 2021.- 111-116 б.

8. Даминов М., Ҳайитбоев Р. Ички туризм муаммолар ва ечимлари. “Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш муаммолари”. Республика профессор-ўқитувчиларнинг илмий – амалий анжумани (2013 йил, 25-30 апрел.)
9. Даминов М., Ҳамдамов А.Ҳ. Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. “Хизмат кўрсатиш соҳаси: ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари” Республика анъанавий илмий – амалий конференцияси (VI қисм) Самарқанд, 2016.
10. Даминов М., Каримов А.А. Қишлоқ жойларда ички туризмни ривожлантириш имкониятлари. “Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани III қисм (Самарқанд, 2017 йил 25-27 май).
11. Ҳайитбоев Р, Даминов М. Ички туризмни ривожлантиришда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг халқаро тажрибаларидан фойдаланиш. “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ва истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжумани, II қисим (Самарқанд, 2018 йил 10-12 декабрь) 106-112 б.
12. Хайитбоев Р. Ekologirk turizm, «Barkamol Fayz media», Toshkent-2018.-248 b.
13. Ҳайитбоев Р. Экологик туризм. «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» Тошкент. 2021.-376 б.

А.Аблаизов	A.Ablaizov
Социально-экономическое значение развития экотуризма в Узбекистане	Socio-economic significance of ecotourism development in Uzbekistan
Аннотация: в статье обоснованы социально-экономическое значение развития экотуризма а также разработаны предложения по развитию внутреннего экотуризма в Узбекистане.	Abstract: the article substantiates the socio-economic significance of ecotourism development and also works our proposals for the development of domestic ecotourism in Uzbekistan.
Ключевые слова: ресурсы, экологические проблемы, биоразнообразие, принципы экотуризма, внутренний экотуризм, регион, лидер, среда.	Keywords: resources, environmental problems, biodiversity, principles of ecotourism, internal ecotourism, region, leader, environment.

З.Б.Наврўз-зода – Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси, PhD

“ЕТТИ ПИР ЗИЁРАТИ” КЛАСТЕРИНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИ

Аннотация: мақолада Бухоро вилоятининг 5 та туманида жойлашган “Ҳожагон-Нақшбандия” таълимоти олтин ҳалқаси пири комиллари табаррук қадамжоларига дунё мусулмонлари зиёратини ташкил қилиш мақсадида инновацион - “Етти Пир зиёрати” туристик йўналиши бўйлаб саёҳатга ихтисослашган зиёрат кластерининг ташкилий механизми элементларига тафсилот берилган.

Калит сўзлари: зиёрат туризми, “Етти Пир”, зиёрат кластери, кластер пойдевори, кластер ядроси, кластер бошқаруви.

Кириш. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ҳар гал Бухоро вилоятига ташриф буюрганида унинг муқаддас масканларини янада обод этиш, бу жойларда зиёратчилар учун зарур, муносиб шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берадилар. Юртбошимиз “Етти пир” – Абдуҳолик Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланишини қайд этар экан, уларнинг замон талаблари даражасида реконструкция қилиниши Ўзбекистонга янги сайёҳлик йўналишини очишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади [1].

Мамлакатимизда пост-пандемия даврида туризмни жадвал ривожлантиришга, айниқса, “зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади” [2]. Зиёрат туризмни ривожлантириш учун кластер ёндашувини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Мақолада кластер ёндашувида зиёрат туризмни ривожлантириш хусусиятлари ҳамда “Етти пир зиёрати” кластерининг ташкилий механизмининг мазмун-

моҳияти очиб берилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Кластер ёндашувида зиёрат туризмини ривожлантириш масаласи бир нечта маҳаллий олимларининг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Жумладан, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Тухлиев, Д.Х.Асланова, Н.Б.Навруз-Зода, Д.К.Усманова, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, А.А.Эштаев, Н.С.Ибрагимов, Д.Бекжановларнинг¹ илмий тадқиқотлари туристик кластерга бағишланган илмий ишларини санаб ўтиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада контент таҳлил тадқиқот усулини қўллаган ҳолда “кластер” атамасининг мазмуни ёритилган. Унда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиб, кластернинг кирувчи ва чикувчи ҳамда жараён элементлари ажратилади. Иерархик ёндашувдан фойдаланиб, “Етти Пир зиёрати” кластерининг ташкилий тузилмаси аниқланган. Ушбу усуллардан фойдаланиш эвазига мақоланинг илмий натижадорлиги ва самарадорлигини асослаш, амалий тавсияларини илмий асослаш имконини берди.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳонда тасаввуфий ғояларнинг машҳур “Хожагон-Нақшбандия” таълимоти олтин ҳалқаси пири комиллари табаррук қадамжолари айнан Бухоро вилоятининг туман ва шаҳарларида жойлашганини эътиборга олсак, дунё мусулмонлари, қолаверса тасаввуф илми билан қизиқувчи барча инсонларга таклиф қилиш мақсадида Бухоро вилоятида янги - “Етти Пир зиёрати” туристик йўналиши бўйлаб саёҳатга ихтисослашган зиёрат кластерини ташкил этиш тавсия этилади.

Қайд қилиш жоизки, кластерларни шакллантирувчи муҳим аломат сифатида кластерга бирлаштириш ниятидаги хизмат кўрсатувчи субъектларнинг “географик яқинлиги” хизмат қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) тавсиясига кўра кластерга киритиладиган корхоналар бир-биридан 200 км.дан узок радиусда жойлашмаган бўлиши кераклиги таъкидланган [3]. Биз тавсия этадиган “Етти Пир зиёрати” кластери Бухоро вилоятининг 5 та туманида умумий узунлиги қарийб 120 километр масофада тарқоқ жойлашган еттита пири комиллар зиёратгоҳларини ягона сайёҳлик маршрутига бирлаштириш имконини яратади.

“Етти Пир зиёрати” кластери таркибига бешта қуйидаги асосий элементларни киритилиши тавсия этилади:

- 1.Кластер пойдевори.
- 2.Кластер ядроси.
- 3.Зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи ҳамкорлар.
- 4.Зиёрат туризми инфра ва инфотузилмаси.
- 5.Кластер бошқаруви.

Кластер пойдевори сифатида Бухоро вилоятининг 5 та туманларида тарқоқ жойлашган етти пири комилларнинг қадамжолари асосида “ақлли зиёрат худуди” ва “сўфийлик зиёрат туристик маҳсулот”ни шакллантириш натижасида ташкил этилган ягона “Етти Пир зиёрат худуди (дестинацияси)” хизмат қилади. Ушбу зиёрат худудини ободонлаштириш, унда миллий услубдаги ва ҳалол стандартлари асосида меҳмонхоналар қуриш, ичи ва ён-атрофини кўкаламзорлаштириш, ҳалол умумий овқатланиш

¹ Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари //Т.: Фан ва технология, 2007. - 32 б.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. - С.4-9.; Навруз-Зода Б.Н умумий таҳрири остида. Туристтик худуд рақобатбардошлиги. // Монография – Бухоро, 2017. 150 б.; Тухлиев И.С ва б. Туризм асослари //Ўқув қўлланма. - Самарқанд, СамИСИ, 2010. 247 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма // –Т.: О’зМЕ, - 2006. - 386 б.; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития: автореферат кандидата экономических наук. – Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 25 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанл. доктори (DSc) дисс. - С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. - 184 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида): иқтисодиёт фанл. доктори (DSc) дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. - 71 б.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш: иқт.фан. номз. дисс.автореф. – Самарқанд, 2008. – 56 б.; Бекжанов Д.Й. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш: иқт.ф.фалс.д (PhD) дисс. автореф. – Урганч, 2021. – 58 б.

масканларини яратиш, мусулмонлар учун зарур ёрдамчи хоналарни ташкил этиш, сувенир ва бошқа буюмларни сотиш учун савдо зонаси қуриш талаб этилади. Бунда Етти пир силсиласига кирувчи зиёратгоҳлардаги меъморий мажмуаларни томоша қилиш, пирларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг асарлари билан бевосита танишишга кенг имкон берадиган инфокиоскларнинг очилиши, ҳар бир муқаддас жойда зиёратчилар қўл телефонларига юклаб олиб танишиш учун ўрнатилган QR кодлари, Wi-Fi зоналарини ташкил этиш, пирлар тўғрисида интернет орқали электрон маълумотларни тарқатиш, навигация дастурлари ва Бухоро вилояти тўғрисидаги батафсил ахборотни оммабоп электрон карталар (Google ва ҳоказо) ҳамда порталларда (tripadvisor ва ҳоказо) жойлаштириш имкониятларидан фойдаланиш эвазига анъанавий зиёрат худуди “ақлли зиёрат худуди”га айлантириш мумкин бўлади.

Шунингдек, кластер пойдеворига сўфийлик зиёрат туристик маҳсулоти сифатида “Етти Пир зиёрати” маршрути бўйлаб саёҳат дастурига кирадиган барча товар ва хизматлар мажмуаси ҳам тааллуқли бўлади. Ислонда “сўфийлик” сўзи жунли кийим кийишни англатади [4].

Кластер ядроси зиёрат туризмга ихтисослашган туроператор ва турагентлар, меҳмонхоналар, ҳалол овқатланиш масканлари, зиёратчилар учун ҳордиқ чиқарадиган ва зикр қиладиган жойлар, совға дўконлар, маиший хизмат уйи, Етти пир зиёратгоҳлари йўналиши транспорт корхонаси ва бошқа кичик корхоналардан таркиб топади.

Ушбу зиёрат кластери таркибига давлат-хусусий шериклик асосида шакллантирилган “Ҳалол ва хавфсиз зиёрат туризми инспекцияси” ни ташкил этиш тавсия этилади. Инспекциянинг асосий вазифаси зиёрат туризми жараёнида “Ҳалол стандарти” талабларига риоя қилинишини назорат қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришдан ҳамда зиёратчиларнинг саёҳат даврида хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Зиёрат туристик хизматлар кўрсатувчи ҳамкорлар. “Етти Пир” зиёрат туризми кластери таркибий қисми сифатида “Ҳалол меҳмоннавозлиги кооперативи”ни ташкил этиш тавсия этилади. Унинг вазифаси зиёратчиларни ҳалол тунаш воситаларида жойлаштиришдан иборат. Зиёратгоҳлар атрофидаги ҳовлиларда меҳмон уйлари ташкил этиб, уй эгаси кооператив аъзоси мақомига эга бўлади. Давлат ҳалол туризм талабларига жавоб берадиган оилавий меҳмон уйлари қуриш ва таъмирлашга 50,0 млн.сўмдан субсидия ҳамда уларни ташкил қилиш учун кредит маблағларини ажратиш тавсия этилади. Шунингдек, бу кооператив “Ҳалол меҳмонхоналар”ни қуриш билан ҳам шуғулланади. Бундай меҳмонхоналар “Тоза номерлар (Pure Rooms) ислом меҳмоннавозлик талабларига жавоб берадиган яшаш жойларни ташкил этади. “Ҳалол меҳмоннавозлиги кооперативи” ҳалол овқатланиш, ҳалол меҳмон уйларида жойлаштириш, ҳалол ҳордиқ чиқариш хизмат турларини кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

Кластернинг яна битта бизнес ҳамкори сифатида Агро-истеъмол кооперативини ташкил этиш тавсия этилади. Бу кооперативнинг асосий вазифаси зиёратгоҳлар ён-атрофидаги бўш экин ерларда экологик тоза кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва аҳолидан уларни сотиб олиб, кластер худудида фаолият кўрсатадиган ҳалол овқатланиш масканларига етказиб беришдан иборат бўлади.

Зиёрат туризми инфра ва инфотузилмаси. Кластер тузилмасида ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасалари билан биргаликда зиёрат туризми бўйича кадрларни тайёрлаш, мусулмонлар учун молиявий хизматларни кўрсатувчи банклар, тиббий хизмат кўрсатиш, зиёратчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ҳалол туристик хизматларнинг мониторингини амалга оширадиган ҳалол синов лабораторияси каби инфратузилма ташкилотларининг бирлашиши кўзда тутилган.

“Етти Пир” зиёрат туризми кластерининг бошқарув органида муҳим инфотузилма сифатида "E-ziyoratourism" электрон платформаси яратилиши кўзда тутилган. Бу платформада зиёратчиларни жойлаштиришнинг ҳалол воситалари, улар учун ҳалол овқатланиш масканлари, зиёрат туризм объектлари тўғрисида маълумотлар, тарихий манбалар, ибодат қилиш ва ҳордиқ чиқариш жойлари, хизмат кўрсатиш турлари, жумладан транспорт хизмати каби маълумотларнинг электрон базаси жойлаштирилади.

Шунингдек, "e-ziyoratourism" электрон платформаси орқали Амиркулова Меҳрожон гуруҳи томонидан яратилган “7-Пир мобил илова” [5] дан ҳамкорлик шартномаси асосида фойдаланиш, яқка тартибда ва кичик гуруҳларда мазкур зиёрат маршрути бўйича зиёратни амалга оширувчилар учун муҳим “мобиль йўл харитаси” сифатида хизмат кўрсатади.

Кластер бошқарув органлари кластер директори ва унинг иккита - зиёрат туризмни ташкил этиш бўйича ва диний ишлар бўйича директор ўринбосарлари ҳамда кластерга кирадиган тузилмалари раҳбариятидан таркиб топган мувофиқлаштирувчи кенгаши ва “Хожагон-Нақшбандия” тасаввуфий таълимотларини ташвиқот-тарғибот бўлимидан иборат бўлиши тавсия этилади. “Етти Пир зиёрати кластери” бошқарув органларини Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси ҳудудида жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майдаги 244-сон “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида” Қарори билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиб, унинг таркибига Абдуҳолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилган эди. Қарорга мувофиқ ушбу Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилаб берилган эди [6]:

- ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдуҳолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;

- ушбу муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

- Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шоғирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни халқимизга етказиш;

- диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётбахш ўғитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази ҳузурида “Етти Пир зиёрати кластери”ни ташкил этиб, фаолият кўрсатиши, фикримизча, Ўзбекистон ўз “Сўфийлик зиёрати” туристик маҳсулоти билан “Ҳаж” ва “Умра” каби нуфузли зиёрат маҳсулотлари каби Ислом дунёсида шуҳрат қозониш имконига эга бўлади.

Сўфийлик зиёрат туристик хизматларини кўрсатишга ихтисослашган “Етти Пир зиёрат кластери”нинг халқаро микёсда нуфузини ошириш жараёнида унинг брендини тузиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур кластер брендининг таркибий тузилиши Н.С.Ибрагимов томонидан тавсия этилган туристик ҳудуд бренди формуласи асосида шакллантирилди. Ушбу формулага кўра туристик ҳудуд бренди “Туристтик ҳудуд номи + Слоган(шиор) + Логотип” [7] таркибий қисмлардан иборат бўлиши маъқул.



1-расм. Бухоро вилояти “Етти Пир кластери” бренди¹

Ҳудуд брендининг ушбу услуги асосида биз кластер брендини тузиш саъй-ҳаракатларини қилдик. “Етти Пир” зиёрат кластери брендини яратишда зиёрат ҳудуди номи

¹ Манба: 1-расм муаллиф ишланмаси.
108

сифатида – “Бухорои Шариф” (Holy Bukhara) ни танладик. Слоган сифатида “Етти Пир зиёрати” (Pilgrimage into the Seven Sufi Saints) иборасини ва логотип сифатида эса “Парвоз этувчи қалб” рамзини танлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Бу рамз ердаги инсоннинг осмондаги Худо билан робитаси юрак орқали амалга оширилади, деб сўфизм ўқитади. Яъни сўфийлик таълимотини яхши ўрганиб, унга риоя қиладиган сўфий Худо билан мулоқот қилиш шарафига сазовор бўлади. “Етти Пир” зиёрат кластери брендининг кўриниши 1-расмда кўрсатилган.

Хулоса ва таклифлар. “Етти Пир зиёрати” кластери ва унинг брендини халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва фан-маданият (ISESCO)нинг қарорига кўра 2020 йил 1 январдан эътиборан қадимий ва навқирон Бухоро шаҳри Ислом маданияти пойтахти унвонини қабул қилиб олиши ва ушбу брендининг халқаро миқёсда нуфузини ошириш учун худудда мавжуд бўлган кўпгина муқаддас жой ва табаррук қадамжоларнинг зиёратчилар нигоҳидан жозибадорлигини ошириш, “Етти Пир” зиёрат кластерининг таклиф тизимини диверсификациялаш ва худудга наф келтира олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш.

2. “Хожагон-Нақшбандия” таълимоти олтин ҳалқаси намояндаларининг табаррук масканлари тўғрисида мукамал маълумолар банкини яратиб, Бухоро вилоятининг “Етти Пир” зиёрат кластерининг электрон платформасига киритиш.

3. Етти Пир муқаддас қадамжоларда фаолият кўрсатадиган имом-хатиблар учун зиёрат туризми бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ОТМларда зиёрат туризми таълим йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Етти пир зиёрати. Ўзбекистоннинг янги сайёҳлик йўналиши. <http://xs.uz/uzkr/post/etti-pir-ziyorati-ozbekistonning-yangi-sajyohlik>.
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4056> [29.12.2020].
3. Smart guide to cluster policy. European Union, Belgium, 2016.60 p. URL of EU Cluster Portal: <http://ec.europa.eu/growth/smes/cluster/> [23.04.20].
4. Мир Валиддин. Коранический суфизм: Пер.с англ. СПб.: Изд-во “ДИЛЯ”, 2004. 224 с. с. 10.
5. Seven Pirs. <https://vote.mgovaward.uz/participant/2/>.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майдаги 244-сон “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 21-сон, 252-модда.
7. Ибрагимов Н.С. Туристик худудни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Бухоро. Durdon. 2020. Б:153.

3.Наврўз-зода	Z.Navruz-zoda
<p>Организационный механизм кластера “Паломничество Семи Сўфийских Пиров”</p> <p>Аннотация: В статье с целью осуществления паломничества мусульман всего мира по святыням, представителей золотого кольца учения “Ходжагон-Нақшбандия”, расположенных на территории Бухарского вилоята, характеризуются элементы организационного механизма инновационного кластера - “Семь Сўфийских Пиров”.</p> <p>Ключевые слова: паломнический туризм, Семь Сўфийских Пиров, паломнический кластер, фундамент кластера, ядро кластера, управление кластером.</p>	<p>Organizational mechanism of the cluster “Pilgrimage of the Seven Sufi Saints”</p> <p>Abstract: The article recommends an organizational mechanism of the innovative cluster – “Seven Sufi Saints” – in order to organize a visit of Muslims around the worlds to the holy shrines of the golden ring of the “Khojagon-Naqshbandi” doctrine, placed in the Bukhara region.</p> <p>Keywords: pilgrimage tourism, «Seven Sufi Saints”, pilgrimage cluster, cluster foundation, cluster core, cluster management.</p>